

Аудит

Ўзбекистон Республикаси

«PROMSTROY-AUDIT»

*масъулияти чекланган жамият шаклидаги
аудиторлик ташкилоти*

Бухоро вилояти “Бухоронептгазпармалаш” акциядорлик
жамиятининг 1 январ 2020 йилдан 31 декабр 2020 йилга қадар
бўлган молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик
текшируви бўйича

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

2021 йил

**«BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖ да 2020 йилги
самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш юзасидан
АУДИТОР ҲИСОБОТИ**

1. Кириш қисми.

Умумий маълумотлар.

Мен, МЧЖ «PROMSTROY-AUDIT» АТ аудиторлик ташкилоти аудитори Зокиров Азизбек Азимбоевич (малака сертификати рақами № 05427, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 29.10.2016 йилда берилган) «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамиятида 2020 йилги самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолашни ўтказдим.

Такдим этилган молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги учун «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамияти маъмурияти жавобгар саналади.

Бўйртмачи ва бажарувчи корхона реквизитлари:

Бажарувчи:

Тўлик номи	МЧЖ шаклидаги “ PROMSTROY-AUDIT” аудиторлик ташкилоти
Давлат рўйхатидан ўтганлиги	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август №394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда №1091-сонли давлат рўйхатидан ўтган.
Ҳуқуқий манзили	Навоий вилояти
Почта манзили	Навоий шаҳри. Низомий 24 А кўчаси
СТИР рақами	207 094 830
ОКОНХ коди	84 400
Телефон рақамлари	+99897-795-07-14
Электрон почта	PSA.SJJ-2011@mail.ru
Банк реквизитлари	Кармана туман Алоқа банк
МФО коди	01007
Ҳисоб рақам	2020 8000 0048 6415 6001

Корхона (Бўйртмачи):

Тўлик номи	«Buxoroneftgazparmalash» АЖ
Ҳуқуқий манзили	Бухоро вилояти
Почта манзили	Қоровулбозор шаҳри, Буюк Ипак йули кўчаси, 4 уй.
СТИР рақами	200 978 613
ОКОНХ	65 000
Телефон	8-365-3641796, 3641602
Электрон почта	Ismatov82@yandex.com
Банк реквизитлари	Ўз СКВ. Қоровулбозор филиали
МФО коди	00 085
Ҳисоб рақам	2021 0000 3004 2526 1001

II. ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори ижроси юзасидан жамият бошқарув кенгашининг 2020 йиллик фаолияти тақдим этилган молиявий ҳисоботлар асосида ҳамда «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги НИЗОМга мувофиқ ўтказилди. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари таҳлил қилинди ва ўтказилган таҳлил натижалари қуйидагича бўлди:

«Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги
НИЗОМнинг

№2а-ИЛОВА асосий кўрсаткичлар бўйича

№	Кўрсаткичлар	Салмоғи	Прогноз (мақсадли) кўрсаткич	Ҳақиқий кўрсаткич	Бажарилиши % да	смк
	A	B	C	D	E	F=EхB\100
1	Фоизлар, солиқлар ва амортизация чегирилгунга кадар бўлган фойда (EBITDA) (млрд.сўм)	2	1153	2340	202,95	4,06
2	Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR)	2	0,061	0,154	252,46	5,05
3	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE)	2	0	0	0,00	0,00
4	Акциядорлик капитали рентабеллиги (ROE)	2	0,045	0,103	228,89	4,58
5	Акциядорлар инвестициялари рентабеллиги (TSR)	2	0,05	0,009	18,00	0,36
6	Активлар рентабеллиги	15	0,0109	0,0315	63,06	9,46
7	Мутлақ ликвидлик коэффиценти	12	0,0005	0,181	90,51	10,86
8	Молиявий мустақиллик коэффиценти	12	1,85	4,62	249,49	29,94
9	Кредитор қарздорлик айланивчанлиги, кун ҳисобида	12	200	118	76,00	9,12
10	Дебитор қарздорлик айланивчанлиги, кун ҳисобида	12	362	257	35,00	4,20
11	Қоплаш (тўловга қобиллик) коэффиценти	12	1,73	4,2	241,97	29,04
12	Дивиденд чиқиши	5	517,647	203,155	39,25	1,96
13	Дебитор қарздорликнинг пасайиш кўрсаткичи	10	4	2,295	57,38	5,74
	Ж а м и	100				114,36

«Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги НИЗОМнинг №26-ИЛОВА кушимча кўрсаткичлари бўйича

№	Кўрсаткичлар	Салмоғи	Прогноз (мақсадли) кўрсаткич	Ҳақиқий кўрсаткич	Бажарили ши % да	Смк
	A	B	C	D	E	F=ExB\100
1	Асосий воситалар эскириш коэффициенти	8	0,8	0,9	58,4	4,67
2	Асосий воситалар янгиланиш коэффициенти	4	0,0076	0,0203	0,000	0,00
3	Меҳнат унумдорлиги, (млн.сўм)	8	117	124	105,400	8,43
4	Фонд кайтими	8	2,2	2,27	103,000	8,24
5	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти	8	0,61	0,9	179,900	14,39
6	Энергия самарадорлиги	14	0,0148	0,0327	45,200	6,33
7	Ходимни ўқитиш харажатлари, 1 ходим ҳисобида (млн.сўм)	4	180	0	0,000	0,00
8	Ходимлар қўнимсизлиги коэффициенти	4	1,05	1,63	61,500	2,46
9	Экспорт параметрларини бажариш кўрсаткичи	0	0	0	0,000	0,00
10	Эксплуатация қилинадиган қудуқларда иш ҳажми бажарилиши	18	8950	8878	99,196	17,86
11	Қуриб битказилган эксплуатация қилинадиган қудуқлар сони	18	8	7	87,500	15,75
12	Соф фойда бўйича белгиланган топширикнинг бажарилиши	6	1021	2340	229,187	13,75
13	Кооперацион биржа бўйича шартномалар ижросининг таъминланиши	0	0	0	0,000	0,00
	Жами					91,88
	Самарадорликнинг йигинди кўрсаткичи (СЙК): 114,36 + 91,88 = 206,24:2 = 103,11	100				103,11

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарорига илова “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низом талабларига асосан самарадорликнинг йигинди кўрсаткичи (СЙК) 103,11 фоизни, 100 фоиздан юқорини ташкил этиб, 2020 йил якуни бўйича жамият ижро этувчи органи фаолиятининг самарадорлиги - ЮҚОРИ ДАРАЖАДА деб баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамият бош директори:

Ж.Ж.Саидов

Аудитор:

А.А.Зокиров

Сана: 30.04.2021 й.



АУДИТОРСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ
по итогам оценки системы корпоративного управления за 2020 год АО
«Buxoroneftgazparmalash»

Мною, аудитором Зокиров Азизбек аудиторской организации ООО «PROMSTROY-AUDIT» АТ произведена оценка системы корпоративного управления за 2020 год АО «Buxoroneftgazparmalash».

Ответственность за подготовку и достоверность финансовой отчётности, подлежащей аудиторской проверке, несёт руководство хозяйствующего субъекта.

Аудиторская организация (Исполнитель).

Полное наименование	Аудиторская организация в форме ООО “Promstroy-Audit”
Государственная регистрация	Министерством Юстиции Респ.Ўзбекистон 26.08.2010 года, за номером 1091
Юридический адрес	г.Навоий шахри.Низомий 24 А
Почтовый адрес	г.Навоий шахри.Низомий 24 А
ИНН	207094830
Код ОКОНХ	84400
Телефоны	+99897- 795 0714
Электронная почта	PSA.SJJ-2011mail.ru
Банковские реквизиты	Алока банк р.Кармана
Код МФО	00150
Расчётный счёт	2020 8000 0048 6415 6001

Предприятие (Заказчик).

Полное наименование	АО «Buxoroneftgazparmalash»
Юридический адрес	Бухарская область, г.Караулбазар, ул.Навои, 25
Почтовый адрес	Бухарская область, г.Караулбазар, ул.Навои, 25
ИНН	200 978 613
Код ОКОНХ	65000
Телефоны	8-365-3641796, 3641602
Электронная почта	Ismatov82@yandex.com
Банковские реквизиты	ПСБ г.Караулбазар
Код МФО	00085
Расчётный счёт	20210000300425261001

Оценка проводилась в соответствии с вопросником Государственного Комитета Республики Ўзбекистон по Конкуренции, в ходе ее проведения была создана сводная таблица, в которой результаты процедур вопросов по существу, вопросов системы корпоративного управления приведены ниже.

Сводная таблица оценки корпоративного управления

	Направление	Количество вопросов	Возможные баллы		Фактичес кая оценка
			минимум	максимум	
1	Оценка процедур подготовки к внедрению Кодекса корпоративного управления.	13	-135	135	35
2	Оценка соблюдения рекомендациям Кодекса корпоративного управления.	37	-360	360	200
3	Оценка соответствия организационной структуры АО.	3	-30	30	25
4	Оценка конкурсного отбора.	5	-45	45	35
5	Оценка перехода к публикации в соответствии с МСФО и МСА.	3	-50	50	50
6	Оценка внедрения современных систем управления (ISO, ERP, НИОКР и др.)	5	-55	55	15
7	Оценка информационной политики.	5	-170	320	101
8	Оценка финансовых результатов.	4	-150	150	25
9	Оценка прочих направлений деятельности АО	25	-205	55	20
10	Итого	100	-1200	1200	506

По итогам оценки системы корпоративного управления за 2020 год АО «Вухоронеftgazparmalash» полученные баллы составили 506 баллов или 42 %.

Оценка была удовлетворительной - которое суммарное значение полученных баллов составило ниже 600, но не ниже 0 баллов.

Руководитель аудиторской организации:



[Handwritten signature]

Ж.Ж.Саидов

**«BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖ нинг 2020 йилги молиявий ҳисоботларини
аудит текширувидан ўтказиш юзасидан**

АУДИТОР ҲИСОБОТИ

Кириш қисми

1. Аудиторлик ташкилоти реквизитлари
2. Бажарилган иш баёни

Тахлилий қисм

3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳолати
4. Бухгалтерия ҳисоби текшируви натижалари

Якуний қисм

5. Фикр ва мулоҳазалар
6. Таклиф ва тавсиялар

1. КИРИШ ҚИСМИ

Мазкур ҳисобот «**BUXORONEFTGAZPARMALASH**» АЖ томонидан 2020 йил учун тузилган молиявий ҳисоботлар тўғрилиги (ишончлилиги)ни, шу даврда амалга оширилган молия-хўжалик муомалаларининг амалдаги Бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида ўтказилган аудиторлик текширувининг ёзма баёни ҳисобланади.

Умумий маълумотлар.

Аудиторлик текшируви буюртмачиси	« BUXORONEFTGAZPARMALASH » АЖ
Аудиторлик текшируви мақсади	2020 йил учун тузилган молиявий ҳисоботлар тўғрилиги (ишончлилиги)ни, шу даврда амалга оширилган молия- хўжалик муомалаларининг амалдаги Бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш
Аудиторлик текшируви ўз ичига камраб олган давр	2020 йил 1 январдан 31 декабрга қадар
Аудиторлик текшируви ўтказилган сана	2020 йил 11-22 май
Аудиторлик ҳисоботи тузилган сана	2020 йил 22 май
Аудиторлик текширувининг тури	Мажбурий аудит
Аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича лицензияси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Аудитор фаолиятини амалга ошириш учун лицензияси АФ №00788. 2019 йил 5 апрелда берилган (чекланмаган муддатга).
Лицензия тури	Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга ҳақли

Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва реквизитлари:

Аудиторлик ташкилоти (Бажарувчи):

Тўлик номи	МЧЖ шаклидаги “ PROMSTROY-AUDIT” аудиторлик ташкилоти
Давлат рўйхатидан ўтганлиги	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август №394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда №1091-сонли давлат рўйхатидан утган.
Ҳуқуқий манзили	Навоий вилояти
Почта манзили	Навоий шаҳри. Низомий 24 А кўчаси
СТИР рақами	207 094 830
ОКОНХ коди	84 400
Телефон рақамлари	+99897-795-07-14
Электрон почта	PSA.SJJ-2011@mail.ru
Банк реквизитлари	Кармана туман Алоқа банк
МФО коди	01007
Ҳисоб рақам	2020 8000 0048 6415 6001

Корхона (Буюртмачи):

Тулиқ номи	«Buxoroneftgazparmalash» АЖ
Хукукий манзили	Бухоро вилояти
Почта манзили	Қоровулбозор шаҳри, Буюк Ипак йули кўчаси, 4 уй.
СТИР рақами	200 978 613
ОКОНХ	65 000
Телефон	8-365-3641796, 3641602
Электрон почта	Ismatov82@yandex.com
Банк реквизитлари	Ўз СКВ. Қороулбозор филиали
МФО коди	00 085
Ҳисоб рақам	2021 0000 3004 2526 1001

В А З И Ф А ВА У С У Л Л А Р.

Мазкур аудитни ўтказишдан мақсад - «**BUXORONEFTGAZPARMALASH**» АЖ да 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда ўтказилган хўжалик-молиявий операцияларининг қонунийлиги, тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал қилинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

Аудит текшируви Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (26.05.2000й.), Аудит Миллий андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа меърий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ ўтказилди.

Аудит жараёнида ҳужжатли текшириш усули қулланилиб, ҳисоботлар қуйидаги ҳажмларда кўриб чиқилди:

2020 йилги молиявий ҳисоботлар - шаклий ва арифметик жиҳатдан, горизонтал ва вертикал тарзда;

- ҳисоб юритишнинг қабул қилинган журнал-ордер тизими бўйича бирламчи ҳужжатларни аудит текшируви учун зарур бўлган ҳажмда танланма тартибда;
- бошқа ишлаб чиқариш омиллариининг ички ҳисоб тизимида таъсирини баҳолаш танланма тартибда.

Аудит текширувини ўтказиш мобайнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари (БҲХС);
- Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС);
- Халқаро Аудит Стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни;
- Юридик шахсларни соликка тортиш бўйича амалдаги меърий ҳужжатлар;
- Ўтказилган текширувлар бўйича далолатномалар;
- Жамият ходимлари тайёрлаган маълумотномалар;
- Бошқа ахборотлар.

Юқоридагиларга мувофиқ ҳамда жамият билан тузилган шартномага асосан МЧЖ «**PROMSTROY-AUDIT**» АТ аудиторлик ташкилоти «**BUXORONEFTGAZPARMALASH**» АЖ нинг (кейинги уринларда «жамият» дейилади) 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказди.

Куйидаги жадвалда «Аудитни режалаштириш» аудит халқаро андозасига мувофиқ «BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖда аудиторлик текшируви ўтказиш режа-графиғи илова қилинган:

Аудиторлик текшируви режа-графиғи:

Текшириладиган корхона: «BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖ

Аудит даври: 2020 йил 1 январдан 31 декабрга қадар.

Аудитор: А.Зокиров

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари: баланс валютасидан 10 %.

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси: 10 %.

Тр	Режалаштирилган иш тури	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳ
1	Жамиятнинг ҳисоб сиёсати билан танишиш	1 кун	Аудитор	
2	Товар айланишини аниклаш	3 кун	Аудитор	
3	Тахлилий ишлар	7 кун	Аудитор	

АУДИТ ДАСТУРИ

т/р	Аудиторлик амаллари рўйхати	Бажарувчи	Аудитор иш	Изоҳ
1	Таъсис ҳужжатларини текшириш	аудитор	Низом	
2	Бухгалтерия ҳисоби ташкил этилиши, ҳисоботлар ҳолатини текшириш	аудитор	Ҳисоб сиёсати	
3	Асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли инвестициялар ҳисоби	аудитор	0100,0200,0400, 0500,0600-счёт	
4	Капитал қўйилмалар ҳисоби	аудитор	0800-счёт	
5	Хом-ашё ва материаллар ҳисоби	аудитор	Бухгалтерия регистрлари	
6	Хазина операциялари ҳисоби	аудитор	Хазина дафтари, ҳисоботлари	
7	Ҳисоб рақамдаги операциялар ҳисоби	аудитор	2-журнал-ордер	
8	Мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан муомалалар ҳисоби	аудитор	6000,4000, 4110,.6100 счётлар	
9	Бюджет билан ҳисоблашишлар аудити	аудитор	Баланс ҳисоботи, ҳисоб-китоблар	
10	Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити ва тахлили	аудитор	Иш ҳақи ҳисоблаш китоби	
11	Молиявий натижалар, даромад ва харажатлар аудити ҳамда тахлили	аудитор	Баланс ҳисоботи 2-шакл ҳисобот	

Жамият ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг 1996 йил 7 майдаги № 359 КПО буйруғи билан Бухоро бурғулаш ишларини бошқариш жамияти негизи асосида қайта ташки этилган.

«BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖ нинг низоми акциядорларнинг 2015 йил 17 августдаги умумий йиғилиши 2-сонли баённомасига мувофиқ ўзгарган ва «Қоровулбозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси»да

2015 йил 3 сентябр 79-сонли рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган. 2017 йил 10 ноябрдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши 2-сонли баённомасига мувофиқ жамиятнинг низоми яна ўзгарган ва «Коровулбозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси»да 2017 йил 28 ноябрь 137- сонли рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Жамият фаолиятининг мақсади:

- Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматлар бозорини тўлдириш;
- янги иш ўринлари ташкил этиш эвазига аҳолини бандлик муаммосини ҳал этишда ҳамкорлик қилиш;
- ўз фаолияти натижасидан фойда олиш;
Жамият фаолиятининг асосий йуналишлари қуйидагилар;
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибидаги барча нефт ва газ кудукларини шартнома асосида қуриш, таъмирлаш ва бурғулаш ишларини олиб боради;
- барча ташкилот, корхона, бирлашма, давлат ва хусусий фирмалар билан мустақил шартномалар тўзади;
- моддий техник базасини ривожлантириш мақсадида илғор технология ва асбоб ускуналарни мамлакат ичкарасидан ва ташқарисидан сотиб олади;
- Жамият ўзининг юқоридаги асосий вазифаларини бажариш билан биргаликда қуйидаги фаолиятлар билан ҳам шугулланади;
- шартнома-битимлар асосида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш;
- талаб ва таклифларга кўра аҳоли, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга пуллик савдо-тижорат, транспорт, қурилиш, таъмирлаш, техник ва маиший хизмат кўрсатиш фаолиятларини ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида умумий овқатланиш корхоналари, чойхоналар, ошхоналар, нонвойхоналар ва қандолатчилик цехлари очиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш;
- савдо-харид, савдо воситачилик ва комисион ҳамда ижара (прокат) хизматларини ташкил этиш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, ёрдамчи хўжаликда чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш;
- биржа ва ярмаркаларда хом-ашё, полуфабрикатлар, машина ва механизмлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда алмаштириш;
- қўшма корхоналар ташкил этишда иштирок этиш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш йулида ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланиш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган, аҳоли эҳтиёжлари ва жамият учун фойдали бўлган ҳар қандай хўжалик фаолиятини амалга оширади;
- электротехника лаборатория, бурғулаш қурилмаларида ва бошқа субъектларда созлаш ва синовлар олиб боради;
- Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугуллаш ҳуқуқига эга;
- Жамият махсус рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли махсус рухсатнома (лицензия) олинганидан сунг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли;
- Жамият юридик шахс ҳисобланиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга асосан ўз фаолиятини амалга оширади;
- Жамият ўзи томонидан тасдиқланган махсус Низом асосида фаолият кўрсатувчи филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар очиши мумкин.
- Жамият ўз баланси, банкда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобларга ҳамда давлат тилида ўз Жамият номи тўлиқ кўрсатилган муҳр, номи ва жойлашган манзили тўлиқ кўрсатилган тамғага эга.

Бошқарув. Аудит текшируви ўз ичига олган даврда биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан жамият раиси лавозимида Х.Т.Хусенов, иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан бош ҳисобчи Р.Х.Рустамов ишлаган.

Корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш. «BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖда бўйича 2020 йилда жамият Кузатув Кенгаши томонидан 14 марта йиғилиш ўтказилиб кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Қабул қилинган қарорларни бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

«Ўзгеобурнефтваз» АК томонидан келган алоқа хатлари, йўриқномалар, буйруқларнинг бажарилиши ва назоратчи органлар шунингдек вилоят ва туман ҳокимликлари, Қарши шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан келган барча хатлар атрофлича ўрганиб чиқилиб ижроси таъминланган.

Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва молия хўжалик фаолиятига алоқадор барча масалалар жамият Бошқарув Кенгаши йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бошқарув Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ўз вақтида буйруқлаштирилиб назорати жавобгар шахсларга юклатилиб келинган.

Дивидендларни тўланилиши текширилганда 2020 йил 31 декабрь ҳолатида жамиятнинг акциядорлардан дивидендлар бўйича қарздорлиги 189 866,0 минг сўмни ташкил этган. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги Қонун талабларига мос келмайди.

Аудит жараёнида дивидендлар бўйича қарздорликларни тугатиш бўйича зарурий тавсиялар берилди.

Ички назорат ҳолатини текшириш. Жамиятда ички бошқарув назорати ташкилий жиҳатдан ва моддий ресурслар бутлиги юзасидан ўрнатилган.

Товар-моддий қийматликлар моддий жавобгарлик бўйича тузилган шартномалар асосида жавобгар шахсларга биркитилган, уларнинг буст-бутун сақланиши устидан назорат ўрнатилган.

Жамият томонидан амалга ошириладиган молиявий - хўжалик операцияларнинг тўғри акс эттирилиши ва ҳисобининг юритилиши устидан назорат бош ҳисобчига юклатилган.

Жамият бошқарув органи, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчилик асосида ишлаб чиқилган ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички Низомлар асосида фаолият кўрсатган. Моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилган.

Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар ҳолати. Ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида юритилган ва тайёрланган.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер тизимида «1-С бухгалтерия» асосида юритилган. Бош дафтар тулик юритилган, молиявий-хўжалик муомалалари ўз даврида акс эттириб борилган.

Молиявий ҳисоботлар статистика ва солиқ идораларига ҳисобот топширишнинг белгиланган муддатларида топширилган. Ушбу даврда ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилган, талабга жавоб беради.

Асосий воситалар аудит. Жамиятда 2020 йил 1 январь ҳолатида асосий воситалар баланс қиймати 159 388513,0 минг сўмни, эскириш қиймати 126348508,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 33040005,0 минг сўмни ташкил этган. 2020 йил 31 декабрь ҳолатида асосий воситалар баланс қиймати 159679979,0 минг сўмни, эскириш қиймати 136824422,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 22855557,0 минг сўмни ташкил этган.

Асосий воситалар ҳаракати бирламчи бухгалтерия реестрларида ўз вақтида, акс эттирилган. Асосий воситалар эскириши тўғри чизикли усулда амалга оширилган. Тасдиқланган ҳисоб сиёсатига мувофиқ асосий воситаларга эскириш ҳисобланган. Асосий воситалар қайта баҳоланган. Асосий воситаларни қайта баҳолашда индекс усули қўлланилган.

Асосий воситалар қайта баҳолангандан сўнг баланс қиймати 159 679 979,0 минг сўми, эскириш қиймати 136 824 422,0 минг сўми, қолдиқ; қиймати 22 855 557,0 минг сўми ташкил этган. Ушбу қолдиқ баланс кўрсаткичларига мос келади.

(минг сўм)

Ҳисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	159 679 979.0	159 679 979.0
31.12.2020 йил ҳолатида	159 679 979.0	159 679 979.0

Жамият томонидан асосий воситалар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган 5-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарта (БХ.МС) талаблари асосида юритилган.

Аудит текширув жараёнида асосий воситаларнинг чиқими бўйича ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш тўғрисида тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Узоқ муддатли инвестициялар аудити. Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоб варағи бўйича 01.01.2020 йилга қолдиқ 215 533,0 минг сўми, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида ҳам 215 533,0 минг сўми ташкил этган. Ушбу узоқ муддатли инвестициялар 15 533,0 минг сўми Саноат Қурилиш Банкнинг акциялари, 200 000,0 минг сўми «Бухоро маҳаллий дехқон (озик-овқат) бозори» МЧЖнинг акциялари ҳисобланади.

(минг сўм)

Ҳисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	215 533,0	215 533,0
31.12.2020 йил ҳолатида	215 533,0	215 533,0

Сотиб олинган акциялар бўйича дивидендлар олинмаган. Жамият томонидан узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 декабрда 65-сон билан тасдиқланган 12-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарта (БХМС) талаблари асосида юритилган.

Аудит текшируви жараёнида сотиб олинган акциялар бўйича дивидендлар тўғрисида маълумотнома олиш юзасидан тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Ишлаб чиқариш захиралар аудити. Товар моддий захиралар бўйича 01.01.2020 йилга қолдиқ 354 603,0 минг сўми, 2020 йил 31 декабрда қолдиқ 348 636,0 минг сўми ташкил этган. Шундан: барчаси ишлаб чиқариш захиралари бўлиб 348 636,0 минг сўми ташкил этган. Ушбу қолдиқ баланс кўрсаткичларига мос келади. Йил давомида жами кирим 35 805 172,6 минг сўми, жами чиқим эса 35 811 139,6 минг сўми ташкил этган.

(минг сўм)

Ҳисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	348 636,0	348 636,0
31.12.2020 йил ҳолатида	348 636,0	348 636,0

Моддий жавобгар шахслар томонидан белгиланган тартибдаги материал ҳисоботларни ўз вақтида бухгалтерияга топширилган. Бухгалтерияда товар моддий захираларнинг кирим-чиқими Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган 4-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) талаблари асосида юритилган.

Аудит текшируви жараёнида бошланғич ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ҳисоб варақ фактураларни реквизитларини тўла тартибда тўлдириш бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Хазина аудити. Жамиятда хазина учун махсус жой ажратилган ва керакли анжомлар билан жиҳозланган. Хазина муомалларини ҳисобга олиш ва расмийлаштириш учун жавобгар шахс-хазиначи тайинланган. Хазиначи билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома

тузилган. Хазина хужжатлари бирламчи хужжатлар асосида белгиланган тартибда расмийлаштирилган. Хазина китоби рақамланиб, корхона бош ҳисобчиси томонидан имзоланиб муҳрланган. Хазина операцияларини текшириш жараёнида шу нарса қайд этилдики, 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда хазинага жами 829 600.0 минг сўм нақд пул маблағлари кирим-чиқим бўлган. 2020 йил 31 декабрга қолдиқ қолмаган.

Аудит жараёнида хазина муомалаларини юритиш тартибига тўла амал қилиш ва банкдан олинган нақд пулларнинг мақсадли сарфлаш бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Нақд пулсиз ҳисоблашишлар аудити. Нақд пулсиз ҳисоблашишлар бўйича Аудит ўтказиш жараёнида қуйидагилар аниқланди. Жамиятнинг ҳисоб-китоб рақамида 01.01.2020 йилда қолдиқ қолмаган, жами кирим 806 955.7 минг сўми, жами чиқим ҳам 806 955.7 минг сўми, 2020 йил 31 декабрга ҳам қолдиқ қолмаган. Жамиятнинг махсус ҳисоб-китоб рақамларида 01.01.2020 йилда қолдиқ 1 000 000,0 минг сўми, жами кирим 123 468 986.1 минг сўми, жами чиқим эса 124 444 203,7 минг сўми, 2020 йил 31 декабрга қолдиқ 24 782.4 минг сўми ташкил этган. Ушбу қолдиқ баланс кўрсаткичларига мос келади.

(минг сўм)

Ҳисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	24 782,4	24 782,4
31.12.2020 йил ҳолатида	24 782,4	24 782,4

Аудит жараёнида «Ўзгеобурнефтвергаз» АК томонидан берилган пул маблағларини мақсадли сарфланиши бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Штатлар рўйхати ва иш ҳақи аудити. Жамиятда 2020 йилда мўлжалланган бизнес-режаси бўйича ўрта ҳисобда 431 ишчи ходимларни сақлаш режалаштирилган, ҳақиқатда 2020 йилда ўртача ишчи ходимлар сони 431 кишини ташкил этган. 2020 йил 1 январ ҳолатида жамиятнинг ишчи ходимлардан иш ҳақи бўйича қарздорлиги 172 479,0 минг сўми, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида жамиятнинг ишчи - ходимлардан иш ҳақи бўйича қарздорлиги 341 818,0 минг сўми ташкил этган. Ушбу қолдиқ баланс кўрсаткичларига мос келади

(минг сўм)

Ҳисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	172 479.0	172 479,0
31.12.2020 йил ҳолатида	341 818.0	341 818,0

Аудит жараёнида иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича зарурий чора-тадбирларни белгилаш бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар аудити. Дебитор қарздорлик 2020 йил 1 январь ҳолатида жами 74 146 217,0 минг сўми, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида эса жами 46 297 101,0 минг сўм.

(минг сўм)

Ҳисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	74 146 217,0	74 146 217,0
31.12.2020 йил ҳолатида	46 297 101	46 297 101

Кредитор қарздорлик 2020 йил 1 январь ҳолатида жами 39 317 063,0 минг сўми, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида эса жами 16 224 443,0 минг сўми, шундан: мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз 8 213 517 минг сўми, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз 2 858 653,0 минг сўми, бюджетга туловлар бўйича қарз 5 125 273,0 минг сўми, мақсадли давлат жамғармаларига қарз 301 445,0 минг сўми, таъсисчиларга дивидендлар бўйича қарз 117 985,0 минг сўми, меҳнат ҳақи бўйича ходимлардан қарз 380 000,0 минг сўми, бошқа кредитор қарзлари 0 минг сўми ташкил этган бўлиб, жорий мажбуриятлардан иборат. Ушбу қолдиқ баланс кўрсаткичларига мос келади

(минг сўм)

Хисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	39 317 063,0	39 317 063,0
31.12.2020 йил ҳолатида	16 224 443,0	16 224 443,0

Қарздорликнинг асосий қисми маълумотномалар билан тасдиқланган, уларнинг аксарият қисми бўйича солиштирма далолатномалар мавжуд. 2020 йил бошига нисбатан кредитор қарздорлик йил охирида 23 092 620,0 минг сўмга камайган.

Дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаш бўйича тавсиялар берилди.

Устав капитали аудити. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонунига мувофиқ жамият устав капитали 22 744 120,0 минг сўмга шакллантирилган. Ушбу қолдиқ баланс кўрсаткичларига мос келади

(минг сўм)

Хисобот даврлари	Балансда	Бош дафтарда
01.01.2020 йил ҳолатида	22 744 120,0	22 744 120,0
31.12.2020 йил ҳолатида	22 744 120,0	22 744 120,0

2020 йил 31 декабрь ҳолатида жамиятнинг устав капитали ўзгармаган, яъни низом жамгармаси 22 744 120,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, номинал қиймати 5 000 сўмдан 4 548 824 дона акциядан иборат. Низом жамгармаси куйидагича тақсимланган:

«Ўзбургунефтвергаз» АЖ улуши 51,2% ёки 11 653 320,0 минг сўмни;

Эркин савдо улуши 48,8% ёки 11 090 800,0 минг сўмни ташкил этади.

Резерв капитали аудити. Жамиятда таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантириладиган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги счётларда амалга оширилган.

8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;

8520 “Резерв капитали”;

